Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 15 февраль, № 34 (8096) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

МАШИНАСОЗЛИК КЛАСТЕР УСУЛИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 февраль куни машинасозлик саноатидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Саноатнинг барча тармоқларида бўлгани каби автомобилсозликда ҳам трансформация жараёни кетмоқда. Сўнгги тўрт йилда автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баробар, тармоқ экспорти эса 2,7 баробар ошган. Хорижий компаниялар иштирокида янги корхоналар ташкил этилиб, 2 минг 600 турдаги бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

“UzAuto Motors” компанияси “Fitch Ratings” ҳамда “Standard & Poor’s” халқаро агентликларининг “барқарор” кредит рейтингларини олиб, жаҳон молия бозорида илк бор 300 миллион долларлик евробонд жойлаштирди.

Лекин бу тармоқ ҳали истеъмолчилар талабини тўлиқ қаноатлантиролмаяпти.

Шу боис Тараққиёт стратегиясида автомобиль саноатида кооперацияни янада ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баравар, экспорт ҳажмини 2 баравар кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш мақсади белгиланган.

Йиғилишда бунга эришиш йўлидаги жорий йилги вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, аҳоли талабларига эътибор қаратди. Автомобиллар учун олдиндан тўлов миқдорини 85 фоиздан 50 фоизга пасайтириш ва 1 майга қадар автомобиль сотиб олишдаги навбатларни тўлиқ бартараф этишга кўрсатма берди. Ҳозирги кунда навбатда турган харидорларга автомобили етказиб бериладиган аниқ сана кўрсатилган хабарнома йўлланади.

Ички талабни қондириш мақсадида биринчи ярим йилликда 160 мингта, йил якунига қадар 275 мингта автомобиль ишлаб чиқариш зарурлиги қайд этилди.

Бозорда таклифни ошириб, халқимизга танлаш имкониятини яратиш мақсадида импорт автомобиллар учун божхона божи ставкаларини 2 баробар пасайтириш бўйича ҳукуматга топшириқ берилди.

Жорий йилда 23 та лойиҳа доирасида 600 турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мўлжалланган. Натижада маҳаллийлаштириш даражаси 48 фоиздан 56 фоизга чиқади. Шунингдек, 336 миллион доллар инвестиция эвазига иккита янги автомобиль модели ва замонавий двигатель ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Йиғилишда тармоқнинг экспорт режалари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президентимиз бу режалар мавжуд имкониятларга нисбатан камлигини таъкидлаб, янги бозорларга чиқиш бўйича тавсиялар берди. Хусусан, йирик савдо тармоқлари орқали бутловчи қисмлар сотишни кенгайтириш ҳисобига 2022 йилда экспорт ҳажмини камида 500 миллион долларга етказиш мумкинлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари машинасозлик тармоғини саноат кластери усулида ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Бу тизим “инжиниринг — бутловчи қисмлар — тайёр маҳсулот — савдо ва сервис” занжирини қамраб олади. 8 та машинасозлик корхонаси, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи 300 дан зиёд корхона, логистика, ички ва ташқи бозорлардаги савдо ва сервис тармоғи, Турин политехника ва Андижон машинасозлик институтларини умумий мақсад йўлида бирлаштиради.

Шундан келиб чиқиб, ҳукуматга “миллий машинасозлик кластери” дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, жаҳонда электромобиллар ишлаб чиқариш жадал ривожланиб бормоқда. 2021 йилда бундай машиналар улуши автомобиль бозорида 2 баробар ўсган.

Президент бу соҳада ортда қолмаслик учун ҳозирдан ҳаракат бошлаш кераклигини таъкидлади. Бу борадаги техник талаб ва стандартлар, маҳаллийлаштириш масалаларини инобатга олган ҳолда, электромобиль тармоғини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги машинасозлигига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу йўналишда Чирчиқ шаҳрида кластер ташкил этилиши белгиланган. Бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм маблағ ажратилган. “Технолог” акциядорлик жамияти ва Агрегат заводидаги ускуналарни Чирчиққа кўчириш бошланган.

Ушбу кластерни 2023 йилдан тўлиқ ишга тушириш муҳимлиги таъкидланди. Жорий йилда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришни 2 баробар ошириб, уларнинг таннархини 12 фоизга камайтириш, экспортни 15 миллион долларга етказиш имконияти борлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЁЗГИ ВА ҚИШКИ ОЛИМПИЯ ВА ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИШИ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш, шунингдек, ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни пул мукофотлари билан рағбатлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларида (кейинги ўринларда — Олимпия ва Паралимпия ўйинлари) ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари қуйидаги миқдорда **бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади**:

олтин медаль учун — **200 000** АҚШ доллари;

кумуш медаль учун — **100 000** АҚШ доллари;

бронза медаль учун — **50 000** АҚШ доллари;

б) мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

2. Транспорт вазирлиги (И.Махкамов) Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қилиш жараёнида республика ҳудудида ўтказилаётган спорт мусобақалари, ўқув-машғулотлар йиғинларида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича терма жамоа аъзоларининг иштирокини таъминлаш учун **вилоятлараро йўналишлар бўйича** (темир йўл ва авиачипта) транспорт харажатларига 2022 йил 1 мартдан 2024 йил 1 сентябрга қадар **чегирмалар жорий этсин**.

3. Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) томонидан белгиланадиган ҳомий ташкилотларнинг:

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқи учун лицензияни қўлга киритишга тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон спортчиларига зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **ҳомийлик хайрия ёрдамини кўрсатиш**;

ҳомийлик хайрия ёрдами сифатида ажратиладиган маблағларни Республика комиссияси томонидан **тасдиқланган режа-графикка асосан тўлаб бериш**;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерация (ассоциация)ларига ажратилган пул маблағларидан **оқилона, тежамкор, самарали ва мақсадли фойдаланилганлиги** ҳақида **ҳар чоракда** уларнинг ҳисоботини эшитиб бориш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ҳомий ташкилотларнинг тегишли бошқарув органлари бир ой муддатда ҳомийлик хайрия ёрдами сифатида ажратиладиган маблағларни тасдиқланган режа-графикка асосан тўлаб бериш тўғрисида қарорларни қабул қилсин, ажратилган пул маблағларидан **оқилона, тежамкор, самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатсин**, натижалари ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилсин.

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (А.Арипов, А.Абдухакимов) Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қилиш жараёнида юқори кўрсаткичларни қайд этган ҳомий ташкилотларни **мукофотлаш чораларини кўрсин, зарур ҳолларда таклиф киритсин**.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5281-сон қарори билан тасдиқланган 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш дастурида спортнинг **дзюдо, таэквондо (WT), оғир атлетика, спорт курашлари, стол тенниси** турларини ривожлантириш бўйича вазифа белгиланган.

Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳамда тегишли спорт федерациялари (ассоциациялари)ни жалб этган ҳолда:

2022 йил 1 майга қадар — спортнинг **дзюдо** турини ривожлантириш бўйича;

2022 йил 1 июнга қадар — спортнинг **таэквондо (WT)** ва **спорт курашлари** турларини ривожлантириш бўйича;

2022 йил 1 июлга қадар — спортнинг **оғир атлетика** ва **стол тенниси** турларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

5. Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон қишки спорт турлари ассоциацияси ҳамда тегишли спорт федерациялари (ассоциациялари)ни жалб этган ҳолда **2022 йил Пекин шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтаётган XXIV қишки Олимпия ва XIII Паралимпия ўйинлари натижаларидан келиб чиқиб**:

2022 йил 1 апрелга қадар — **Ўзбекистонда қишки спорт турларини комплекс ривожлантириш**ни;

2022 йил 1 июлга қадар — **2026 йил Милан шаҳрида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш**ни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарори билан белгиланган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи **лицензияларнинг**, шунингдек, иштирок этиладиган **спорт турларининг сонини камайтириш** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли бўлинмалари билан келишилган ҳолда Республика комиссияси томонидан амалга оширилади.

7. Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“2028 йил Лос-Анджелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XXXIV ёзги Олимпия ва XVIII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги** қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

Олимпия ва Паралимпия дастурларига киритилган спорт турлари бўйича, айниқса, **жамоавий спорт турлари** (баскетбол, гандбол, волейбол, чим устида хоккей, регби, сув полоси ва бошқалар) бўйича **лицензиялар сонини** сезиларли даражада **кўпайтириш**;

Лос-Анджелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига **Ўзбекистон спортчиларини саралаш ва тайёрлаш дастури**;

Лос-Анджелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш бўйича **мақсадли кўрсаткичлар**;

Лос-Анджелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўрувчи **Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг контингенти**;

Лос-Анджелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларига бириктирилган **спорт базалари рўйхати**;

Лос-Анджелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича **Республика комиссияси таркиби ҳамда комиссия тўғрисида низом** тасдиқланиши;

Лос-Анджелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этиш учун талабгорлар ўртасида **аёл спортчилар улушини ошириш, спортчиларни саралаш ва тайёрлашда гендер тенглигини таъминлаш**;

спорт **фармакологияси, психологияси, тиббиёти ва диетологиясини** такомиллаштириш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари **А.А.Абдухакимов**, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси **Р.М.Шаабдурахманов** ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси **М.М.Ташходжаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **ҳар йили 1 январгача** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 14 февраль

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК

Янги Ўзбекистон солиқ сиёсатидаги вазифалар ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида таъкидланганидек, мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида “Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Нуқтаи назар

“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш белгиланди. Хусусан, иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш учун замин яратиш лозимлиги белгиланди.

Шунингдек, йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш ҳамда Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ЯИМга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш кўзда тутилган.

Албатта, бу кўрсаткичларга эришиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали янада ривожлантириш масалалари ҳам Тараққиёт стратегиясининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитларни яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

➡ 2

РАҲБАРЛИК — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи якунига бағишлаб ўтказилган йиғилишда иштирок этарканман, баъзи савол ва фикр-мулоҳазалар кўнглимдан кечди...

Муносабат

Раҳбарлик нима? Ваколатми? Имтиёзми? Обрў-эътиборми? Бугун турли даражадаги раҳбарлар олдида мазкур саволлар кўндаланг турибди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: **“Халқимиз биздан амалий натижалар кутяпти...”** Бунга эришиш, кўзланган марраларни забт этишимиз учун, аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар масъулиятини янада оширишимиз, раҳбарларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, ташаббускорлик туйғуларини шакллантиришимиз талаб этилади.

Масъулият, халқ олдида ҳисобдорлик йўқ жойда изланиш ҳам, тараққиёт ҳам, ўзаро ишонч ҳам бўлмайди.

➡ 3

Дунё нигоҳи

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Бош котиб Антониу Гутерриш томонидан тақдим қилинган “Умумий кун тартибимиз” маърузасидаги тавсияларни муҳокама қилишга бағишланган БМТ Бош Ассамблеянинг биринчи маслаҳатлашувлари бошланди.

Бош котибнинг маърузаси 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга жадал тарзда ва тўлиқ татбиқ этиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга қаратилган ҳаракатлар дастуридир. Ушбу ҳужжат БМТ раҳбарининг глобал ҳамкорлик келажаги ва инклюзив кўп томонлама фаолиятни жадаллаштиришга оид стратегик қарашлари акс эттирилган.

Тадбирда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси раиси Аҳмад Шаҳид, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатларнинг доимий вакиллари иштирок этди.

➡ 3

Бобур мероси авлодлар эъзозида

Мамлакатимизда ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили, давлат арбоби, моҳир саркарда, олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 539 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Эҳтиром

Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида шоир ҳайкали олдида “Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти ватанпарварлик намунаси” мавзуида маърифий-маданий тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, ижодкор зиёлилар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирда мамлакатимизда миллий адабиётимизни янада равнақ топтиришга қаратилган ишлар силсиласида буюк аждодимиз, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш, ижодий меросини тўлақонли ўрганиш масаласига устувор аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Адиблар хиёбонида Мирзо Бобур ҳайкали қад ростлади. Турли сабабларга кўра хорижий музейлар, илмий-маърифий муассасалар, кутубхоналарда сақланаётган шоир асарлари ҳақида маълумот тўплаш, уларни ўрганиш борасидаги ишлар жонланди.

Мирзо Бобур мероси ва бобурийлар қадамжоларини ўрганиш ҳозир ҳам давом этмоқда ва бу ишлар натижасида кенг жамоатчилик эътиборига яна янги асарлар ҳамда маълумотлар тақдим этилмоқда.

Андижон шаҳридаги улуғ аждодимиз номи билан аталадиган майдонда ҳам ана шундай тадбирлардан бири ташкил этилди. Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда қатнашган ижодкорлар, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижлик меҳмонлар Мирзо Бобур ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

— Бобур ҳаёти ва ижодининг ҳали биз билмаган қирралари жуда кўп, — дейди ёзувчи Қамчибек Кенжа. — Бобур халқаро жамоат фонди томонидан ташкил этилган экспедициялар таркибида кўплаб хорижий давлатларда бўлиб, бобокалонимиз ҳақида ўзбек халқига маълум бўлмаган маълумотларни тўплашга эришдик. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳали давом этади. Зеро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан яратилган бебаҳо асарларнинг жаҳон тараққиёти, илм-фани ривожидаги аҳамияти жуда катта.

Тадбир давомида шоир қаламига мансуб асарлардан парчалар ўқилди, унинг давлат бошқаруви ва шахсий ҳаётдаги ибратли хислатлари ёдга олинди. Бу ифодалар саҳна асарлари орқали жонли образларда тақдим этилди.

Шу куни Бобур халқаро жамоат фондида буюк бобомиз ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро конференция ҳам бўлиб ўтди. Онлайн тарзда уюштирилган тадбирда ўнга яқин давлатлар вакиллари қатнашди.

Конференция давомида анъанага биноан, бобуршунос олимларнинг янги изланишлари, илмий мақолалари, эришилган ютуқлар ва бу борада бажарилиши муҳим бўлган вазифалар ҳақида фикр юритилди.

— Мирзо Бобурни Афғонистонда ҳам севиб ўқийдилар, — дейди бобуршунос олима, профессор Шафиқа Ёрқин. — Бу даҳо ижодкор мероси — чексиз уммон. Шу боис биз, олимлар уни ўрганишдан чарчамаймиз. Олдимизда бу борадаги изланишларни янада жонлантириш, унинг ўлмас асарларини тадқиқ этиш, қанчалар одил подшо бўлганлигини ҳаётий мисоллар асосида тасвирлаш вазифалари турибди.

Тадбирда Мирзо Бобур ҳаёти ва ижоди, ўлмас асарлари, бобурийларнинг Ҳиндистон тараққиётидаги ўрни ва роли алоҳида таъкидланди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган тадбирлар, адабий кечалар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2022 йил 15 февраль

Олий Мажлис Сенатида

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАН ҚАТЪИЯТ ВА ТАШАББУС ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Маълумки, сўнгги йилларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини кучайтириш ҳамда уларнинг назорат борасидаги ваколатларини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу эса маҳаллий Кенгашлардан катта масъулият, тажриба ва ташаббус талаб этиши ўз-ўзидан тушунарли. Шу сабабли Олий Мажлис Сенати томонидан уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш, методик ёрдам кўрсатиш ва депутатларга амалий кўникма ҳамда малакаларини оширишда кўмаклашишга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилаётир.

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева иштирокида ўтказилган семинар ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан эътиборли бўлди. Унда Сенат Раиси 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мазмун-моҳияти, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига доир чора-тадбирлар юзасидан батафсил тушунтириш берди.

Қайд этилганидек, стратегиядаги иккинчи мақсад бевосита маҳаллий Кенгашларга дахлдор бўлиб, улар фаолиятини такомиллаштириш ва ҳақиқий назорат органига айлантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни қамраб олган. Бунда маҳаллий Кенгашларда доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини яратиш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш ва аниқ белгилаш орқали ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида айрим депутатларнинг доимий асосда ишлаш тартиби жорий этилади ва бунинг учун "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари регламенти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Айни чоғда маҳаллий Кенгашларнинг назорат функцияларини кенгайтириш ва тизимлаштириш мақсадида "Халқ депутатлари Кенгашлари назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланади.

Тадбирда маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш мақсадида "Рақамли халқ депутатлари Кенгаши" лойиҳасини амалга ошириш белгилангани, бу борада Бухоро вилояти Кенгаши томонидан "Электрон Кенгаш" платформаси лойиҳаси яратилгани, бу амалиётни қолган ҳудудларга оммалаштириш мақсадида Бухоро шаҳрида амалий семинар ўтказилиши ҳам айтилди.

Ўз навбатида, семинарда маҳаллий Кенгашларнинг ўтган йилги фаолияти сарҳисоб қилинди ва улар томонидан ижобий натижалар қўлга киритилганлиги қайд этилди. Хусусан, йил давомида маҳаллий Кенгашларда ўтказилган 4,5 мингдан ортиқ сессияларда 34,4 мингга яқин масалалар кўриб чиқилган, маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг 18 минг мартадан зиёд ҳисобот ва ахборотлари эшитилган. Қолаверса, ўтган йил 1 июлдан бошлаб маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилган "E-qaror" электрон тизимида бугунги кунга қадар маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинган 20 мингдан ортиқ қарорлар рўйхатдан ўтказилган. Бугунги кунда уларнинг сессиялари тўғридан-тўғри ёритиб борилаётганлиги ҳам эътирофга лойиқ.

Семинарда 2021 йил май ойида 14 та туман ва шаҳарда тажриба шаклида жорий этилган бюджет харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосидаги тадбирларга йўналтириш тартиби 2022 йил 1 январдан эътиборан барча туман ва шаҳарларда жорий этилганлиги, жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдори 30 фоизга оширилганлиги алоҳида тилга олинди.

Тадбирда шу каби ютуқлар баробарида, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида учраётган камчиликлар, айрим депутатларнинг аҳоли муаммоларини бартараф этишда сусткашликка йўл қўяётгани ва депутатлик ваколатидан четга чиқиш ҳолатлари учраётганлиги танқид қилинди.

Иштирокчилар томонидан Сенатнинг йигирма учинчи ялпи мажлисида қабул қилинган ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари самарадорлиги устидан парламент назоратини амалга ошириш ҳақидаги қарор ижросини ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳар бир маҳаллада иш бошлаган ҳоким ёрдамчилари билан муаммоларни ҳал этишда бирга ишлаши зарурлиги, бу борадаги фаолиятни **"оила — маҳалла — халқ депутатлари Кенгаши — парламент"** тамойил асосида ташкил этиш муҳимлиги айтиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

НОРМАЛАР ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛИБ, ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракцияларида навбатдаги йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугун уй-жой муносабатлари қонунчилик ҳужжатлари орқали тартибга солинмоқда. Кодексда эса улар етарлича тартибга солинмаган.

Янги таҳрирдаги кодекс билан биноларни тураржой сифатида таснифлаш, тураржойлар ва нотураржойлар тоифасига ўтказиш, уй-жой фондини ҳисобга олиш, давлатнинг уй-жой назорати, хусусий уй-жой фондининг тураржойларидан фойдаланиши ҳамда мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нормалари билан тартибга солинади.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилиб, қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам қизғин муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам долзарб қонун лойиҳалари батафсил кўриб чиқилди.

Хусусан, "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги, "Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Волонтёрлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Депутатлар қонун лойиҳаларига партия электорати манфаатидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдирди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар тупроқнинг турли зарарли кимёвий бирикмалар билан зарарланиш даражасини пасайтириш, ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш усулларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Бугунги кунда минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар бозорида контрафакт ва қалбакилаштирилган маҳсулотлар учрамоқда. Қолаверса, контрафакт кимёвий воситаларни йўқ қилиш масалалари тартибга солинмаган. Қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар ва кимёвий воситалардан фойдаланишнинг кенгайиши тенденциясини ҳисобга олган ҳолда, хавфли кимёвий моддаларнинг қишлоқ хўжалигига таъсирини мақбул хавф даражасига қадар камайтириш тақозо этилаётир.

Шунингдек, юртимизда ушбу соҳанинг давлат назорати тўлиқ ўрнатилмаган. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар муомаласини тартибга солувчи — Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг нормалари фақатгина ушбу воситаларни рўйхатга олиш жараёни билан чекланган.

Йиғилишда қайд этилганидек, қонун лойиҳаси билан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ҳуқуқ-ваколатлари ва мажбуриятлари қонун даражасида мустаҳкамланади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси негизида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ташкил этилиши билан боғлиқ қарама-қаршиликлар бартараф қилинади.

Минерал ўғит ва кимёвий воситалар импорти, улгуржи ва чакана савдо фаолияти учун лицензиялаш натижасида қалбаки ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларни республика ҳудудига олиб кириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат ўрнатилади. Фракция аъзолари лойиҳадаги нормаларни атрофлича муҳокама қилиб, лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар берди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИ БАТАФСИЛ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНМОҚДА

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари томонидан турли тарғибот тадбирлари ўтказилаётганлиги ҳақида илгари ҳам хабар берган эдик. Бу тадбирларда мамлакатимизда олиб борилаётган қамрови кенг ислоҳотлар моҳияти ҳамда парламент юқори палатасининг йигирма учинчи ялпи мажлисида кўрилган масалаларнинг шу жараёндаги аҳамияти хусусида сўз юритилмоқда.

Сенатор ва ҳаёт

Хусусан, Сенатнинг Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Ф. Боқиев ва шу қўмита аъзоси Ф. Тошев видеоконференцалоқа орқали халқ депутатлари Самарқанд вилояти, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари ҳамда котибият мудирлари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Сенаторлар Олий Мажлис Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар аҳамиятига кенгроқ тўхталди. Хусусан, "Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан фуқароларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кучайтирилаётгани қайд этилди.

Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасига интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларни ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида парламент сўрови юбориш сабаблари юзасидан маълумот берилди. Худудда амалга оширилаётган ишларда депутатлик назоратини олиб бориш масаласи ва бу борада халқ вакиллари олдида турган долзарб вазифаларга урғу берилди.

* * *

Сенаторлар Б. Тожиев ва Ф. Саъдуллаева Хоразм вилоятида фуқаролар қабулини ўтказиб, уларни ташвишга солаётган масалалар ва мурожаатларни ўрганиб чиқди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган туб ислоҳотлар замирида, аввало, инсон манфаати, қадри каби эзгу мақсад мужассам. Шу боис мулоқотда ана шу тамойил эътибор марказида бўлди.

Қабул давомида иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, айрим давлат ташкилотлари ва уларнинг ходимлари ҳаракатидан норозилик баён этилган мурожаатлар эшитилди. Жумладан, Урганч туманида истиқомат қилувчи Г. Машарипова даволаниш муассасасида даволанаётгани ва шу боис дори-дармон ҳамда тиббий муолажалар учун зарур воситалар кераклиги, аммо имконияти йўқлиги туфайли амалий ёрдам кўрсатилишини сўраган. Ушбу мурожаат юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи И. Ҳожиев билан боғланилди ва ушбу фуқарога ёрдам кўрсатилиши лозимлиги айтилди.

Шунингдек, Шовот туманилик фуқаро М. Жуманиёзова турмуш ўртоғи банк муассасасида ишлаб келганлиги, лекин фаолияти давомида тушунмовчилик сабабли ишдан асоссиз бўшатилганлиги хусусида мурожаат қилди. Масала кўриб чиқилиб, Марказий банк вилоят бошқармаси бошқарувчиси К. Қурбоновга фуқаронинг бандлигини таъминлаш лозимлиги тушунтирилди.

Ўз навбатида, қурилиш ва банк-кредит масалаларида турли сунъий тўсиқлар юзага келаётгани юзасидан айрим фуқаролар мурожаатлари кўриб чиқилди.

Кўрилган масалаларни ҳал этиш борасида тегишли ташкилотлар билан бир тўхтамга келинди.

* * *

Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Б. Матмуратов хизмат сафари давомида тегишли соҳа вакиллари ва масъуллари билан биргаликда Беруний туманида сайёр қабул ташкил этди.

Қабул чоғида фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш, адолатни қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мурожаатчилар фикрлари эшитилиб, уларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилди. Айрим масалалар юзасидан масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Тадбир доирасида сенатор Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Х. Ешимбетов, ҳокимлик масъуллари билан биргаликда ҳудуддаги имконияти чекланган шахсларга ногиронлик аравачалари топширди.

Таъкидланганидек, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни соғломлаштириш, уларга қулай шарт-шароит яратишга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар бундан кейин ҳам давом эттирилади.

«Халқ сўзи».

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК

Янги Ўзбекистон солиқ сиёсатидаги вазифалар ана шу мақсадга хизмат қилади.

1 Улар ижросини таъминлаш учун ҳудудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш, шунингдек, шароити оғир бўлган туманларда тадбиркорликни равнақ топтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш белгиланиб, натижада 2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтиришга эришилади.

Мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсишига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига, шу билан бир қаторда, аҳоли турмуш даражаси яхшиланишига сабаб бўлмоқда. Макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик борасида эришилган ижобий натижалар, жамият иқтисодий ҳаётининг барча соҳасини, авваламбор, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини, янгича жараёнлар ва сифат ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда чуқур таҳлил қилиб, керакли хулосалар чиқариб боришни тақозо этади.

Тенденцияларни ўзгартирган пандемия

2020 йилда бошланган COVID-19 пандемияси сабабли келиб чиққан глобал инқироз жаҳон иқтисодиётининг ўсиш тенденцияларини ўзгартириб, дунё мамлакатларини олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ўзгартиришга мажбур этди. Ушбу пандемия Ўзбекистон иқтисодиётини ҳам четлаб ўтмади.

Халқаро валюта фондининг 2021 йил апрель ойи ҳисоботларига кўра, дунё иқтисодиёти 3,3 фоизга қисқарган. Шунингдек, ривожланган давлатлар иқтисодиёти 4,7 фоиз, ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти эса 2,2 фоизга пасайган. 2020 йилда Россия Федерацияси иқтисодиёти 3 фоиз, Қозоғистон — 2,6 фоиз, Корея Республикаси 1 фоизга қисқарган бўлса, Хитой иқтисодиётида 2,3 фоиз, Туркияда 1,8 фоиз ўсиш кузатилди.

Дунё иқтисодиёти рецессияга учрагани қарамай, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни уддалаш, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини янада ривожлантириш ва амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар ҳамда пандемия оқибатларини юмшатишга қаратилган бюджет-солиқ ва монетар сиёсат чоралари натижасида 2020-2021 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

Маълумки, иқтисодий юқорилаш икки усулда, яъни ялпи ички маҳсулот ҳажми ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ўсиши билан аниқланади. Шу маънода, 2020 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 602 551 миллиард сўмни ташкил этгани ва бу кўрсаткич жорий йилда 839 989 миллиард сўм бўлиши прогноз қилинаётгани диққатга сазовор. Бу, ўз навбатида, 2022 йилда ЯИМ 2020 йилдагига нисбатан қарийб 40 фоиз ошганлигини кўрсатади ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланаётганидан далолат беради.

Шунингдек, 2023 йилда ялпи ички маҳсулот 972 701 миллиард сўмни ташкил этиши мўлжалланган ёки 2020 йилдагига нисбатан 60 фоиз ўсиши кутилмоқда.

Асосий мақсад нима?

Мамлакат иқтисодий ислоҳотларининг бош стратегияси иқтисодий ўсиш барқарорлиги ва иқтисодий механизмларнинг тўғри ҳамда тўлиқ ишлашини таъминлашдан иборат. Макроиқтисодий ўсишга кўпгина омиллар таъсир қилиб, буларнинг ичида бюджет-солиқ сиёсати алоҳида ўрин тутади. Бюджет-солиқ сиёсатининг иқтисодий ўсишга таъсири катта бўлиб, бу соҳанинг такомиллашуви иқтисодий ўсишга бевосита боғлиқдир.

Охирги йилларда мамлакатимизда бюджет-солиқ соҳасида талайгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йилдан янги Солиқ кодекси амалиётга жорий этилди. Бу билан солиқ ва солиққа тортиш соҳасида катта ўзгаришлар ва имтиёзлар юзага келди. Янги Солиқ кодекси олдинги кодексдан фарқли равишда солиқ тўловчилар учун анча қулай ва тушунарли тилда баён этилди. Натижада солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларга анча қулайликлар яратилди.

Бюджет-солиқ сиёсатининг пировард натижаси ва баҳосини амалдаги солиқ юки кўрсаткичи ўзида мужассам этади. Солиқ юки мамлакатда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг натижавий кўрсаткичи бўлиб, иқтисодиётда муҳим ўрин эгаллайди. Солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш, солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиқдан имтиёзлар бериш ҳамда ишлаб чиқариш ўсиши натижасида солиқ юки даражаси мамлакатимизда анча пасайди. Бу эса ЯИМнинг ҳажми ўсишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, амалдаги солиқ юки макроиқтисодий даражада Давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбати орқали аниқланади. Бу усул жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кенг қўлланилиб, амалдаги солиқ юки даражасини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур кўрсаткич 2022 йил 1 январь ҳолатига 21,4 фоизлик даражада бўлган. 2018 йилда макроиқтисодий мезондаги солиқ юки мамлакатда 19,5 фоиз, 2019 йилда 21,9 фоиз, 2020 йилда 22,5 фоизни ташкил этди. Кўриб турганимиздек, солиқ юки даражаси 2020 йилда 2019 йилдагига нисбатан 0,6 фоизли пунктга ошганини кўриш мумкин. Шунингдек, ушбу кўрсаткич 2021 йил якунлари бўйича 21,4 фоиз бўлиши кутилмоқда. Солиқ юки кўрсаткичи даражасининг бундай ўзгаришига, ўз навбатида, асосий солиқ ставкаларининг камайтирилиши натижасида солиқ тўловчилар сонининг ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ тўловчилар сони 2018 йилда 6 минг 796 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда 113 минг 477 тага етган ёки таҳлил қилинаётган даврда 106 минг 681 тага кўпайган. Шунингдек, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тўловчилар сони 2018 йилда 12 минг 887 та бўлгани ҳолда, 2020 йилда 155 минг 23 тани ташкил этган ёки таҳлил қилинаётган даврда 142 минг 136 тага кўпайган.

Асосий солиқ турлари бўйича солиқ тўловчилар сони 2016 йилда 189 минг 9 тадан 2020 йилда 899 минг 228 тага етган. Ёки таҳлил қилинаётган даврда асосий солиқ турлари бўйича солиқ тўловчилар сони 710 минг 219 тага кўпайган.

> Президентимизнинг биргина 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони доирасида қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилиши натижасида республика корхона, компания ва хўжаликларининг молиявий ресурслари қўшимча равишда 10 триллион сўмдан ортиққа кўпайишига олиб келди. Бу келгусида янги солиқ базаларининг ташкил топишида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Бу, ўз навбатида, хуфиёна иқтисодиётнинг расмий иқтисодиётга ўтиши натижасида солиққа тортиладиган базанинг кенгайиши ҳисобига солиқ тушумлари ошишига ижобий таъсир кўрсатган. Яъни солиққа тортиш тизимининг такомиллашиши ва соддалаштирилиши билан норасмий секторда фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини расмийлаштириши ҳамда қонунийлаштириши натижасида солиқ тўловчиларнинг сони ошиши ва солиққа тортиладиган базанинг кенгайиши ҳисобига бюджет даромадлари таркибида солиқ тушумлари салмоғи ошганлигини кўришимиз мумкин.

Рақамларда экс этган натижалар: хорижда ва ўзимизда

Жаҳоннинг айрим давлатларидаги солиқ юки даражасининг мамлакатимиздаги солиқ юки даражаси билан қиёсий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, энг юқори солиқ юки кўрсаткичи Францияда — 46 фоиз, Германияда — 39 фоиз ва Японияда — 36,1 фоизлиги кузатилади. Солиқ юкининг қуйи даражалари Украинада — 27 фоиз ва Қозоғистонда — 29 фоизни ташкил этади. Кейинги йилларда мамлакатимизда солиқ юки даражаси 30 фоиздан паст атрофда тебранмоқда. Бу иқтисодиётда назарий ва илмий томондан асосланган солиқ юки мезонларига мослигини ҳамда иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатмаслигини англатади.

Фикримизча, мамлакатимизда солиқ юкининг пасайиш тенденциясига хуфиёна иқтисодиётнинг камайиши, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ва оптималлаштирилиши ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Чунки бугунги кунда давлатимиз томонидан олиб борилаётган фискал сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида тўғри солиқларнинг ставкаларини тушириш сиёсати олиб борилмоқда. Тўғри солиқлар ставкаларининг пасайиши солиқ тўловчилар даромадига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатгани учун охирги йилларда бир неча фоизга камайтирилди.

Президентимизнинг биргина 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони доирасида қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилиши натижасида республика корхона, компания ва хўжаликларининг молиявий ресурслари қўшимча равишда 10 триллион сўмдан ортиққа кўпайишига олиб келди. Бу келгусида янги солиқ базаларининг ташкил топишида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Шунингдек, солиқ тўловчиларнинг даромадларига бевосита таъсир кўрсатувчи юридик шахсларнинг фойда солиғи, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўловнинг ставкалари сезиларли даражада пасайди.

Юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкаси 2019 йил 1 январгача 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 январдан бу кўрсаткич 12 фоиз қилиб белгиланди. Шунингдек, дивиденд солиғи 10 фоиздан 5 фоизга, мол-мулк солиғи 5 фоиздан 1,5 фоизга, ягона солиқ тўлови эса 5 фоиздан 4 фоизга туширилди, 3,2 фоизлик давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар бекор қилинди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан белгиланган солиқ ва тўловлар сони 19 тадан 15 тага туширилди.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ва улар даромадларини солиққа тортиш ҳам бирмунча такомиллаштирилди. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишдаги прогрессив солиққа тортиш амалиёти бекор қилиниб, пропорционал солиққа тортиш тизимига ўтилди. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз миқдорида ўрнатилди ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари тўлови (иш ҳақидан 8 фоиз) бекор қилинди. Таҳлиллар бир неча фоизга камайтирилди. Шунингдек, ер солиғи ставкаси 2019 йил 1 январдан 1,5 фоизгача ош

РАҲБАРЛИК — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

1 Ўзбекистон бугун дунё нигоҳида турибди. Тинчлигимиз, қўшнилар билан яхши муносабатларимиз, инсон ҳуқуқлари ва демократик тамойилларга оғишмай амал қилинаётгани, сўз эркинлиги таъминланаётгани халқаро доираларда тан олинмоқда ва ўрнак қилиб кўрсатилаётир, эътироф этилмоқда. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз, айниқса, лавозимда ўтирганлар чуқур англаши бугун ҳар доимгидан-да муҳим.

Раҳбарлик зиммамизга юклатилган жуда оғир масъулият. Унча-мунча одам кўтариши қийин залварли юк. 2016 йилдан бошлаб юртимизда раҳбар кадрларга халқ ғамхўри ҳамда хизматкори сифатида қараш устуворлик қилиб келяпти. Халқ бор, раҳбарлик ва лавозим бор. Бу мансаб, энг аввало, халқни рози қилиш учун берилганлигини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Айтайлик, бош шифокор масъулиятли бўлса, шифохонада беморлар тез соғаяди. Мактаб директори қатъиятли бўлса, муаллимлар виждонан дарс ўтади, битирувчилар олий ўқув юртига киради. Суд қарори одил, адолатли бўлса, ҳеч ким норози бўлмайди. Олий ўқув юрти домласи тамагирлик қилмасдан тўғри баҳо қўйса, талаба дарс қолдирмасликка ҳаракат қилади...

Маҳалла раиси, ҳоким, депутат, солиқчи, ички ишлар ходими, прокурор, қурувчи ҳамма-ҳамма ўз ишига Президентимиз кутганидек масъулият билан қараганида эди, бугун ҳаётимиз бутунлай бошқача бўларди.

Масъулиятсиз раҳбар келажакка, фарзандлари ва яқинлари, умуман, юртдошларига яхшилик истамайдиган кимсадир. Унинг касрига бутун бошли соҳа ортда қолади. Туман, маҳалла, корхона ва ташкилотлардаги ишлар барбод бўлади. Ислоҳотлар жойига етиб бормайди. Натижада одамлар фақат ўша раҳбардан эмас, давлатдан ҳам совий бошлайди.

Бундай вазият билан эса мутлақо муроса қилиб бўлмайди. Ҳаммасига ўз вақтида баҳо бериб, хулоса қилиниши зарур.

Раҳбар масъулиятни чуқур ҳис этса, ортидан одамларни эргаштира олади. У ҳалоллик ва шаффофлик, адолат ва холислик, инсонпарварлик ва эътибор тамойилларига сўзсиз амал қилиши зарур. Одамларнинг ҳақли талабини ўз вақтида бажармаслик натижасида халқда давлатдан норозилик кайфияти пайдо бўлади.

Бугун ҳар бир раҳбар ўзига савол бериши керак: ўз ўрнимдаманми? Лойиқманми, муносибманми? Президент илгари сураётган инсонпарварлик ғояларига, олиб бораётган ислоҳотларига тайёрманми? Иштирокчиманми, дахлдорманми? Ўзгаришларни, янгиликларни қабул қила оламанми, соҳада инновацион бурилиш қилишга қодирманми?

Конфуций айтади: *“Ҳар бир раҳбар ўз зиммасидаги вазифани масъулият билан ҳалол адо этмоғи лозим. Ўшанда атрофдагилар ундан ўрнак олади. Раҳбарга мутаносиб ҳамма ўз иши, машғулоти билан шуғуллана бошлайди. Агар ҳаётнинг мана шу қонуниятига амал қилинса ҳаммаси жойида бўлади”.*

Кимнингдир лаёқати етмаса, ўз ўрнини бўшатиб қўйиши адолатдан бўлади. Балки билими етмас, салоҳияти пастдир. Раҳбарликнинг замонавий усулларидан бехабардир? Бефарқлик иллатига мубтало бўлгандир, ўз устида ишламаётгандир? Жамоаси кучсиз ва тарқоқдир?!

Президентнинг катта машаққат ва меҳнатлар эвазига халққа қайтарган ишончига соя ташлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Янги Ўзбекистоннинг шитоб билан кетаётган тараққиётига тушов бўлмаслик керак. Зеро, халқда пайдо бўлган ва йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган давлат ва халқ бирлигига рахна солиш хиёнат билан баробардир.

Мен бу аччиқ эътирозларни Ватани ва халқини юрагидан, самимий яхши кўрадиган Президент фикр-мулоҳазаларидан, изтиробларидан келиб чиқиб айтяпман. Ҳаётнинг паст-баландини, аччиқ-чучугини кўрган бир инсон сифатида куйинганимдан айтяпман. Биз шундай замонларни кўрдик. Инсон қадри топталган даврларда яшадик. Ўзингнинг айбсизлигингни исбот қилиб бўлмайдиган кунларни бошимиздан ўтказдик. Инсонлар жамиятдан ажратиб қўйилди. Лаганбардор ва мунофиқлар фидойи, юртпарвар одамлар устидан ҳукм чиқарган саҳналарни жимгина кузатдик.

Лавозимидан ҳақми ёки ноҳақми кетган раҳбарни бир пайтлар, ҳатто қариндош-уруғлари ҳам сўрагани кўрқарди. Унинг учун ҳамма эшиклар ёпиларди. Бошини қаерга уришни билмасди. Тан олиб айтиш керак, бу иллат шунчалик кенг қулоч ёйган эдики, бирон корхона ёки ташкилотга раҳбар тайинлашга номзод топилмасди. Чунки раҳбарлик қобилияти бор бўлган инсонларнинг барчасини бадном қилиб бўлган эдик. Бугун буларнинг барчаси тарихга айланди. Одамларнинг салоҳияти ва қобилиятига яраша иш берилмоқда. Бугун тўғри, оқил, ишбилармон раҳбарлар Президентимизнинг ҳимоясида.

Давлатимиз раҳбари ўтказган йиғилишдан кейин университетимиз олимлари орасидан катта ҳаёт тажрибасига эга, раҳбарлик лавозимларида ишлаган оқсоқоллардан иборат гуруҳни шакллантирдик. Вилоят ҳокимлиги билан биргаликда шаҳар ва туманларда раҳбарлар учун “Раҳбар масъулияти” мавзуида учрашувлар ташкил қилиш ниятидамиз.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Парламент назорати

ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИ ДЕПУТАТЛАРНИ ҚАНОАТЛАНТИРДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишларида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ўз фаолиятида, асосан, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга, қонунчиликни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мониторингга, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда Омбудсман фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга эътибор қаратди.

Ўтган даврда Омбудсман номига Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий давлатлар фуқаролари, омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан 18 минг 738 та мурожаат келиб тушди. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда 14 минг 975 тани ташкил этган.

Шунингдек, Омбудсман парламент назорати субъекти сифатида 11 минг 257 та мурожаатни ўз иш юритувига олиб, уларнинг 2 минг 517 таси ёки 23 фоизи ижобий ҳал этилди. Энг муҳими, Омбудсман томонидан мурожаатлар асосида тадбиркорларга 145 миллион сўмлик ортиқча тўланган солиқ тўловларини қайтаришда кўмак берилди.

2021 йил 26 июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, Омбудсман ҳамда унинг ҳузуридаги Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари томонидан ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда мониторинг ташрифларини амалга ошириш белгиланган.

Ўтган йилда Омбудсман томонидан мониторинг ташрифларини уюштириш тизимли равишда йўлга қўйилиб, 177 маротаба бундай ташрифлар ижроси бажарилди.

Мониторинг ташрифлари давомида ҳаракатланиш эркинлиги чекланган жойларда ушлаб турилган ва сақланаётган 4,5 мингга яқин шахслар билан жамоавий, 758 нафар шахс билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилди. Ташриф якунлари бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрланиб, ҳар чоракда Олий Мажлис палаталарига, вазирлик ва идораларга юборилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматованинг маълум қилишича, Омбудсман ҳисобот даврида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан ишлаб чиқилган ва “project.gov.uz” электрон тизимига жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўрганиб чиқиб, 39 та лойиҳанинг 141 та моддасига ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Шундан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўққизтаси бўйича билдирилган элликка яқин таклифлар ва мулоҳазалар инобатга олинди.

Бундан ташқари, ўтган йилда Омбудсман котибияти ходимлари 108 маротаба судларда кузатувчи сифатида қатнашган. Ваҳоланки, 2020 йилда бу рақам атиги 32 тани ташкил этган эди. Шунинг билан бирга, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда адолатли меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, 2020 йилда Вакилга фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан 1 минг 58 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 632 таси ишдан асоссиз бўшатилгани, 248 таси меҳнат ҳақи ва бошқа тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ берилмагани, 138 таси иш берувчининг ҳаракатларидан ҳамда 40 таси меҳнатни чеклаш ва мажбурий меҳнатга жалб қилиш, маълумотларни олишни чеклаш ҳақида бўлиб, уларни бартараф этиш юзасидан ваколат доирасида тегишли чоралар кўрилган.

Фракциялар аъзолари Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти якунларини муҳокама қилиш билан бирга, фуқароларнинг таълим олишга, малакали тиббий хизматдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, маҳбуслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолият механизмларини такомиллаштириш борасида бир қатор таклифлар билдирди. Вакилнинг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботини маъқуллади.

Йиғилишлар якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракцияларнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИДАГИ МУАММОЛАР ҚАНДАЙ ҲАЛ БЎЛЯПТИ?

Бугунги жадал ривожланиш даврида аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизматлари кўрсаткичлари давр талабидан ортда қолиб, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликлар одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётгани ҳаммамизга яхши маълум. Хусусан, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида ичимлик суви таъминоти 60 фоиздан кам. Ғузор, Деҳқонобод, Косон, Шеробод, Ангор, Ғаллаорол ва Хатирчи туманларида бу кўрсаткич 30 фоизга ҳам етмайди.

Фикр

Бу борада келгуси беш йилда соҳага 40 триллион сўм инвестиция жалб қилиниб, ичимлик суви таъминотини 90 фоиз, оқова сув қамровини 35 фоизга етказиш режалаштирилаётгани, жорий йилда ушбу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм ажратилиши ҳамда 245 миллион доллар жалб этилиши айни муддао бўлди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, мамлакат аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 87 фоизга етказиш, 32 та йирик шаҳар ва 155 та туман марказида оқова сув тизимларини янгилаш вазифалари белгиланган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда маҳалла фуқаролар йиғинлари сони 9 минг 255 тани ташкил этмоқда. Лекин шундан 1 минг 545 та маҳаллада марказлашган сув тармоғи мавжуд эмас.

Президентимиз 8 февраль куни ҳудудларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш масалалари бўйича ўтказган йиғилишда охирги беш йилда мазкур соҳага 10 триллион сўм ёки олдинги йиллардагига нисбатан 5 баравар кўп маблағ ажратилганини, бу даврда 6 миллион 500 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланганини таъкидлади.

Шу билан бирга, йиғилишда мутасаддилар олдига маҳаллалардаги имкониятларни ўрганиб, уч хил йўналишда ичимлик суви таъминотини ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Бу жараёнда, аввало, инфратузилмага яқин маҳаллаларга марказлашган тармоқ тортилиши, ер ости суви яқин ва тоза бўлган жойларда қудуқ қазилиб, сув иншооти қурилиши, қудуқ қазиш ҳамда қувур тортиш имкони бўлмаган қишлоқларда катта сиғимли ҳовуз барпо этилиб, сув ташиб келтирилиши энг тўғри ва оқилона қарордир.

Бугунги кунда 8 мингта сув қудуғидан 1 минг 500 таси яроқсиз ҳолатда. Оқибатда қарийб 800 та маҳалладаги 2 миллион аҳолининг сув таъминоти ёмонлашган. Сабаби Зомин, Нурота ҳамда Қўшработ конларида қудуқлар қазиш, Зарафшон ва Чирчиқ дарёлари ўзанидан қум-шағал олиш назоратсиз, пала-партиш бўлгани сабабли бу ҳудудларда ер ости чучук сувлари захираси 30 метргача пасайган.

Шу нуқтаи назардан, бундан буён сув қудуқларини аниқлаш ва бурғилаш ишлари фақат Давлат геология қўмитаси томонидан амалга оширилиши белгиланиб, мутасадди идораларга қудуқларни хатловдан ўтказиш, дарё бўйларини қаттиқ тартибга олиш бўйича кўрсатма берилди.

Айтиш жоиз, мамлакатимизда соҳанинг ҳуқуқий асослари “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг айрим декларатив нормалари ҳамда йигирмадан ортиқ қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган. Демак, тармоқнинг кескин ривожи учун ҳуқуқий асос бўлган яхлит қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий этишга эҳтиёж бор.

Халқаро амалиёт деярли барча давлатда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш йўналишлари алоҳида қонун ҳужжати билан тартибга солинганини кўрсатмоқда. Ушбу мақсадларда Қонунчилик палатасида “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Қонун лойиҳаси соҳани ривожлантиришда бюрократик тўсиқларни келтириб чиқарувчи нормалар, хусусан, фаолият йўналишларига лицензиялаш ўрнига шаффоф механизм киритиш орқали жорий этилмоқда. Бунда, аввало, ичимлик суви таъминоти ҳамда оқова сув чиқариш хизматларига доир давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, ваколатли давлат органларининг ваколат доиралари, хизмат кўрсатиш корхоналарининг ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилмоқда.

Соҳани кескин ривожлантиришда бозор механизмига, жумладан, хусусий, давлат-хусусий шерикликни жорий этишга йўналтирилган ҳуқуқий асослар ҳамда ичимлик суви ташийдиган транспорт воситаларига аҳолига етказиб бериладиган ичимлик суви нархи суньий равишда кўтарилиб кетишининг олдини олувчи нормалар киритиляпти.

Лойиҳада истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган, хусусан, истеъмолчиларга асоссиз ҳисобланганлиги учун сув таъминоти ташкилотларига нисбатан тегишли молиявий чораларни кучайтириш, сифатсиз сув таъминоти натижасида жисмоний шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш механизмини очиб берувчи нормалар ўз аксини топган.

Таъкидлаш керакки, янги ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга кириши ва амалиётга татбиқ этилиши мамлакатимизда ичимлик суви таъминоти соҳасидаги янги хизматлар бозорини ривожлантиради, пировардида, фуқароларга қулай ҳамда хавфсиз ичимлик суви таъминотини яратади.

Моҳира ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

1 БМТ Бош котиби 2021 йил сентябрь ойида “Умумий кун тартибимиз” маърузасининг тақдимоти чоғида айтган баёнотини яна бир бор эслатди: дунё кескинликнинг кучайиши, атроф-муҳит аҳволининг ёмонлашуви, иқлим тартибсизлиги билан боғлиқ ҳалокатли сценарий ёки хавфсиз ва тинч келажакка эришиш имкониятини танлаш бўсағасида турибди.

БМТ раҳбари жорий йил сентябрь ойида таълим тизимини ўзгартириш бўйича саммит чақириш ниятида эканини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, пандемия арафасида 260 миллиондан ортиқ болалар мактабга бориш имкониятига эга бўлмаган ва ривожланаётган мамлакатлардаги 10 ёшли болаларнинг ярми ҳатто оддий жумларани ҳам ўқий олмаган. Таълимдаги инқироз ҳолати халқаро ҳамжамиятнинг устувор эътиборини талаб қилмоқда.

Мамлакатимизнинг БМТдаги доимий вакили, элчи Бахтиёр Ибрагимов анжуман иштирокчиларини 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мазмун-моҳияти билан таништирди. Мазкур ҳужжат БМТ Бош котибининг “Умумий кун тартибимиз” дастурий ҳужжати мақсад ва вазифаларига мос келиши таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида халқ фаровонлигини янада юксалтириш, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган кенг қўламли ва узоқни кўзлаган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар изчил давом эттирилаётгани алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 7 та устувор йўналишни қамраб олгани таъкидланди. Инсон қадр-қимматини юксалтириш, адолат ва қонунийлик тамойилларини мустаҳкамлаш, гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Стратегияда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш, уларнинг маънавий, интеллектуал ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, сифатли таълим олиш ва бандлигини таъминлаш кўзда тутилгани маълум қилинди.

Ўзбекистоннинг БМТ ва ушбу халқаро ташкилотга аъзо давлатлар билан барқарор ва инклюзив келажакни барпо этиш мақсадида Барқарор ривожланиш мақсадлари, жумладан, “Умумий кун тартибимиз” ҳаракат дастурини муваффақиятли амалга оширишда яқин ҳамкорлик қилишга содиқлиги тасдиқланди.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк

«ХАВФСИЗ ЙЎЛ ВА ХАВФСИЗ ПИЁДА»

умуммиллий дастури ижроси назоратга олинади

Ўзбекистонда кейинги йилларда аҳолининг реал даромадлари ва бандлик даражасини ошириш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар натижасида халқимизнинг яшаш тарзи, турмуш фаровонлиги яхшиланмоқда.

Таҳлил

Буни республикамизда аҳолининг автомобиллари сони ортиб бораётганидан ҳам кўрсак бўлади. Хусусан, 2001 йилда Ўзбекистон Республикасида 1 миллион 200 мингта транспорт воситаси бўлган бўлса, 2021 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра уларнинг сони 3 миллион 775 мингтани ташкил этди. Ёки яна бир маълумотга эътибор қаратсак: Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил сентябрь ойида берган маълумотига кўра, Ўзбекистонда ҳар 100 та уйга ўртача 50 та енгил автомобиль тўғри келади.

Автомобиль йўл ҳаракати иштирокчиларининг, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг мушкулини осонлаштиради, узоғини яқин қилади. Лекин ҳайдовчи ундан нотўғри фойдаланиб, йўл ҳаракати маданиятига риоя қилмаса, тажрибасизликка йўл қўйса, бу фойдали транспорт воситаси инсоннинг саломатлиги, умрига зиён етказиши мумкин бўлган “ҳаракатланувчи қурол”га айланиши мумкин. Афсуски, кейинги йилларда айрим ҳайдовчи ёки пиёдаларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари кўпайганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шу йилнинг 11 февраль куни Президентимиз раислигида йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими издан чиқиб, одамларимизнинг эътиборлари ортиб бораётгани баён этилгани бу борадаги аҳвол қанчалик жиддий тус олганидан далолатдир.

Мамлакатимизда 2021 йилда 10 мингдан зиёд йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ инсонлар жароҳатланган. Энг ачинарлиси, 2,5 мингга яқин одамлар ҳалок бўлган. Бу фожиага гувоҳ бўлиш, уни қайд этиш қанчалик оғир бўлмасин, олдини олиш мумкин бўлса-да, бунга етарлича эътибор қаратмаганимизни тан олиш ундан-да мушкул.

Йиғилишда транспорт ҳодисаларининг аксариятига ҳайдовчиларнинг йўл қоидаларини қасддан менсимаслиги ва тажрибасизлиги, пиёдаларнинг қоидаларга амал қилмаслиги ҳам сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Дарҳақиқат, минглаб инсонларнинг ҳаётини буткул ўзгартириб юборишга сабаб бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиришга барчамиз бирдек масъулмиз. Чунончи, аввало, автомобиллар сони кўпайиб бораётган юртимизда йўлларнинг хавфсизлиги даражаси ортишига эришишимиз керак.

Давлат раҳбари томонидан юқоридаги каби фавқулодда ҳолатга нисбатан Олий Мажлис, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг овози эшитилмаётгани таъкидлангани биз, депутатларнинг масъулият ва сергаклигимизни оширади. Бундан кейин йўл ҳаракатига масъул бўлган давлат ташкилотлари ва идоралари мутасаддиларининг ҳисоботларини мунтазам равишда тинглаб боришимиз, “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” умуммиллий дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишимиз лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, йўл-транспорт ҳодисалари туфайли юзага келадиган кўнгилсизликлардан ҳеч ким кафолатланмаган, аммо бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ҳар биримизга боғлиқлигини унутмаслигимиз керак.

Зуҳра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари.

ЯНГИ БОҒЧАДА НЕГА БОЛА КАМ..?

Ғалати парадокс: Ширин шаҳрида янги, ниҳоятда кўркам ва замонавий бир боғча бор, аммо уни имконияти даражасида тарбияланувчилар билан тўлдириш муаммо бўлиб турибди. Нега?



Таажжуб!

Нуробод — Ширин шаҳри ва Ховос тумани туташган ҳудуддаги маҳалла. Яқин йиллар давомида ушбу манзил ҳар жиҳатдан чирой очди. Қишлоқ бўлиб “дунёга келган” Нуробод “Обод маҳалла” дастури асосида Ширин шаҳрининг кўркам бир бўлагига айланди. Ширин шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 6-давлат мактабгача таълим ташкилоти (6-МТТ) ҳам айни дастур доирасида қуриб битказилди.

Муболаға эмас, мазкур таълим-тарбия муассасаси биноси ўзига хос услубда, кўрган кўзни қувонтирадиган янгича меъморий ёндашув асосида бунёд этилган. Лекин юқорида келтирганимиздек, боғчанинг бу кўркига янада файз бахш этадиган болажонлар етарли эмас.

Сирдарё вилояти мактабгача таълим бошқармаси маълумотига кўра, 160 тарбияланувчига мўлжалланган мазкур муассасага ҳозир, бор-йўғи, 56 нафар бола қатнамоқда. Ҳолбуки, Нурободнинг ўзида МТТга қатнаши мумкин бўлган 3 — 7 ёшли ўғил-қизлар 256 нафарни ташкил этса, қўшни Ховос тумани маҳаллаларида ҳам шу ёшдаги болажонлар бор. Негаки, боғча шундай ҳудудда жойлашганки, Ховос туманининг Файзобод қишлоғи билан оралиқ масофа жуда яқин.

Хўш, талаб мавжуд экан ва муҳими, шунга яраша энг замонавий мактабгача таълим ташкилоти қуриб қўйилган бўлса, унда нега ота-оналар фарзандларини 6-МТТга беришмаяпти?

Вилоят мактабгача таълим ташкилотининг ушбу саволга изоҳидан маълум бўлишича, ҳамма гап 6-МТТ ва қўшни Ховос туманидаги айни муассасалардаги бадал тўловлари ўртасидаги тафовутда. Ва яна бир чалкаш масала ҳам борки, бу ҳам бўлса, Нуробод маҳалласи учун қурилган 6-МТТ жойлашган ҳудуд Ховос туманига қарашли. Яъни МТТ Ширин шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфида, биноси эса Ховос туманида жойлашган.

Бу эса бир қарашда ҳар қандай инсонда ғалати таассурот қолдириши табиий. Биз ҳам таажжубланганча маълумотнинг давоми билан танишдик.

Унда келтирилишича, Нурободда бўш жой бўлмаганлиги сабабли боғча Ховос туманида қурилган. Тўғри, электр энергияси, табиий газ таъминоти, уларнинг тўлови ва бошқа масалалар шаҳар ҳамда туман ўртасида, маҳаллий доираларда ўз ечимини топаётгандир. Аммо келтирганимиздек, бир-бирига туташиб кетган икки ҳудуддаги боғчаларда бадал тўловидаги фарқ сезиларли даражада бўлмаслиги керак эмасми?

Яна савол туғилади: хўш, нега Ховос туманида бадал нархи паст-у, Ширинда баланд?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Давлат мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда тегишли Фармонига асосан, Сирдарё вилоятининг Оқолтин, Мирзаобод, Ховос ва Сардоба туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим ташкилотларига қатнайдиган болаларнинг ота-оналарига бадал тўлови миқдори 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда икки баравар пасайтирилиши белгиланган. Мазкур ҳужжатларга асосан, ушбу ҳудудларда ота-оналар бадал тўлови белгиланган умумий сумманинг 50 фоизини ташкил этади.

Хусусан, Ширин шаҳрининг Нуробод маҳалласи билан деярли бирлашиб кетган Ховос туманининг Файзобод қишлоғида ота-она тўлайдиган бадал пули агар оиладан битта фарзанд 9 соатлик гуруҳларга қатнаса 47 минг 500 сўмга, икки нафар фарзанд учун эса 38 минг 500 сўмдан тўғри келади. Ширин шаҳрида, жумладан, Нурободдаги 6-МТТда ушбу тўловлар мос равишда 183 минг ва 130 минг сўмни ташкил этади. Айни мана шу фарқ сабаб ота-оналар томонидан Ширин шаҳар мактабгача таълим бўлимига қарашли 6-МТТга фарзандларини жойлаштирмаяпти. Қолаверса, чегара ҳудудидаги чекка маҳалла — Нуробод аҳолисининг ижтимоий яшаш тарзи — даромади, бандлиги ҳамда бошқа жиҳатлари қўшни Ховос туманидаги аҳволдан фарқ қилмайди.

Билмадик, эҳтимол, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам шунга ўхшаш масала бордир?! Аммо биз Сирдарё вилоятида ўзимиз дуч келган муаммога эътибор қаратдик.

Ўйлаймизки, Мактабгача таълим вазирлиги бу борада ҳар томонлама мақбул чораларни кўриб, оқилона ечим топса, бу келажагимиз эгалари учун манфаатли бўлади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Ўзбекистон халқ устаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳақиқий аъзоси

Асқарали АКБАРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2022 йил 15 февраль

ЮРАГИНИ СОЗГА АЙЛАНТИРГАН ШОИР

Мамлакатимизда баҳор шабадаси эса бошлаган шу кунларда ҳатто хуш кўрмаган кишингиз ҳам кўзингизга кўркам ва ўктам кўринади. Ҳаётга боқиб, кўнглингиз яйраб-яшнайди. Шундай кунларнинг бирида бизга етиб келган хушхабар руҳий ва маънавий ҳаётимизга янада кўтаринкилик бахш этдики, ҳатто бошқа ишларимизни ҳам чала қолдириб, Усмон Носирнинг варақлари титилиб кетган китобларини қайта жавондан олиб, ўқишга тушдик, бир пайтлар ёдлаган шеърларини хотирамизда тиклай бошладик.

Акс садо

Нафақат менинг руҳим гуллари, балки ўзбек адабиётини севган, ҳурмат қилган, унга меҳр қўйган қўниқўшниларим, қариндош-уруғларим руҳлари гулларининг чаман бўлиб очилишига сабаб бўлган воқеа — Президентимизнинг Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан чиқарган қароридир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда турли соҳаларни, айниқса, ўзбек санъати ва адабиётини ривожлантириш масалалари билан боғлиқ бирбиридан зўр қарорлар чиқмоқдаки, агар шу ҳужжатларда белгиланган тадбирларнинг тенг ярми бажарилган тақдирда ҳам, санъат ва адабиётимиз яшнаб кетади, соҳа вакилларининг маънавий-маиший ҳаётида реал ижобий ўзгаришлар рўй беради.

Энди Усмон Носир таваллудини муносиб нишонлашга оид қарорга келсак, узоқ йиллар ва даврлардан бери бундай тарихий адолатни тиклашга йўналтирилган ҳужжат чиқмаган эди. Одатда қарорлар расмий, китобий, идоравий тил билан ёзиларди. Бу қарорни ўқисангиз, ундан чаман атрини симирган баҳорнинг нафаси келгандек бўлади. Энг муҳими, бу ҳужжатда шўро даврининг қатағон йилларида барча маҳбуслардан ҳам кўпроқ азоб-уқубат чеккан Усмон Носир асарларини нашр этиш, йўқолганларини ахтариб топиш, унинг Ватан, халқ ва адабиётга тўла-тўкис бағишланган ҳаёти ҳақида театр ва мусиқа асарларини яратиш, Ўзбекистон ёшларини ўз бағрига олган мактаб, лицей ва бошқа ўқув юртларида "Унутмас мени боғим" мавзуида эркин иншолар ёзиш, у яшаган, унинг қадами етган шаҳар ва жойларда эса ҳайкал ёки ёдгорлик ўрнатиш масалалари бажарилиши шарт бўлган вазифалар тарзида қўйилганки, 25 ёшида жувонмарг бўлган шоирни эъзозлаш бўлса, шунчалик бўлар, деб ўзингизга-ўзингиз таскин берасиз.

Мен Усмон Носирнинг 70, 75, 80 ва 90 ёшга тўлган кунларининг Ўзбекистон ва Россиянинг турли шаҳарларида нишонланиши ва эъзозланишида қатнашган кишилардан бириман. Биринчи марта Усмон Носирнинг хотира кечасини унинг муборак хоки ётган Кемерово шаҳрида ўтказганимизда бу шаҳар аҳолиси Усмон Носирнинг Златоуст, Магадан, Кемерово шаҳарларида бошидан ўтказган қатағоннинг даҳшатли азоб-уқубатларини эшитиб, биз билан бирга йиғлаган. Усмон Носирнинг кемероволик шоирлар Малахов, Зубарев ва бошқалар таржимасидаги гўзал шеърларини худди шу заминда туғилган шоирнинг асарларидек гулдурос қарсаклар билан кутиб олган. Наманган ва Қўқон шаҳарларидаги истироҳат боғлари, корхоналар ва маҳаллаларда ўтказилган кечалар ҳақиқий адабиёт байрамларига айланиб кетган. Шунда ўзбек халқи, гарчанд номи ва асарлари тақиқланган бўлса ҳам, Усмон Носир ҳамда унинг нур ва олов сочиб турган шеъриятини қанчалик севганини кўриб, ҳайратга тушганмиз.

Камина Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси ва "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасига раис бўлган кезларимда шу вақтга қадар оммадан сир тутилган архивларнинг темир сандиқлари очилиб, бизга ўтган асрнинг 30 — 50-йилларида қатағон қурбони бўлган ватандошларимизнинг "жиноий архив ишлари" билан танишиш имконияти берилди. Мен танишган биринчи "иш" Усмон Носирнинг "иш"и эди. Бу "иш" билан танишиш жараёнида шундай ҳолатга тушганманки, эртага эрталаб шу идорага келганимда эшиклар тақатақ ёпилган бўлади, деган хаёл билан совет давлатининг Усмон Носирга нисбатан қилган жиноияти ҳақидаги материалларнинг энг муҳимларини биринчи куниёқ кўчириб олганман. Кейинчалик Усмон Носир ҳақидаги мақолалар ва китобларимда улардан самарали фойдаланганман.

Усмон Носир эркинликда юрганида қайси шаҳар ёки қишлоққа борган бўлса, ўша ердан даста-даста шеърлар билан қайтган. Ижодсиз яшай олмаган шоир ҳатто Тошкент турмасида ҳам, Златоуст маҳбусхонасида ҳам, Магадану Колимадаги лагерларда калтак азобидан эзилиб юрган кунларида ҳам ашъор битган.

Президентимиз қарорида белгиланган Усмон Носирнинг шу турма ва лагерларда ёзган асарларини излаш, топиш, ўрганиш ва нашр этиш масаласи илмий ишчи гуруҳ олдида турган энг муҳим, энг савобли, улуғ шоир оқланган кундан бери халқимиз кутаётган бош масала ва орзудир.

Усмон Носир ижодининг порлоқ чўққиларидан бири унинг "Юрак" шеъридир. У шу шеърида баданидаги гурс-гурс уриб турган юрагига мурожаат этиб, бундай ёзган эди:

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим...

Юрак — Усмон Носирнинг сози, рубоби эди. Шу создан чиққан ёқимли садолар, наволар, оҳанглар гўзал ва порлоқ шеърлар қиёфасига кириб, биз, Усмон Носир шеърияти мухлисларига узоқ йиллардан бери завқ-шавқ бағишлаб келади.

Шоир асарларининг умрбоқийлигига ишора қилиб, катта умид ва ишонч билан "Унутмас мени боғим...", деб ёзган эди. Дарҳақиқат, халқимиз Усмон Носирни унутгани йўқ. Аксинча, унинг номини, ижодини улуғлаб, ёш авлодга ибрат, матонат намунаси сифатида ўқитиб, ўргатмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қарори ва унда белгиланган чора-тадбирларнинг кўлами, маъно-моҳияти ва аҳамияти буни тасдиқлаб турибди.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори, академик.

Мушоҳада

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

Президентимизнинг 2022 йил 10 февралдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида мамлакатимизда мавжуд қадимий ёзма манбаларни марказлашган ҳолда сақлаш, тадқиқ этиш, уларнинг ҳолатини доимий мониторинг қилиш юзасидан давлат муассасалари ва тегишли ташкилотларнинг вазифалари очиқ-ойдин баён этилган.

Мазкур ҳужжатнинг ўзимиз фаолият юритаётган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Адабий манбашунослик ва матншунослик кафедрасида амалга оширилаётган илмий ишлар билан нақадар уйғунлиги ва соҳага оид муаммолар ечимида ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини таъкидлаган ҳолда, белгиланган чора-тадбирларнинг кафедра илмий фаолияти билан боғлиқ жиҳатларига тўхталсак.

Қарорда мамлакатимиз ҳудудидаги музейлар, кутубхоналар, архив фондлари ва бошқа муассасаларда сақланаётган қадимий ёзма манбаларнинг илмий долзарблиги ва муҳимлигига қараб, уларни таржима ва тадқиқ қилиш жадвалини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ҳамда халқчил тилда босқичма-босқич нашр этиш масаласи айтилган. Айни вазифалар Президентимизнинг 2017 йил 23 декабрда университетимизга ташрифи чоғида ўзбек мумтоз адабиётига тааллуқли қўлёзма манбаларни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш бўйича берган топшириқлари асосида ташкил топган Қўлёзма ва тошбосма адабий манбалар фонди фаолиятида қарийб беш йилдан буён амалда тажрибадан ўтяпти.

Матншунослик ва адабий манбашунослик мутахассислиги бўйича ўқиётган магистрантларнинг диплом мавзулари имкон борича фондда мавжуд адабий манбалар бўйича шакллантириляпти. Жорий ўқув йилида университетда Матншунослик ва адабий манбашунослик бакалавр таълим йўналиши очилди ва унга талабалар қабул қилинди. Мазкур талабаларнинг битирув малакавий иши мавзулари ҳам фонддаги қўлёзма ва тошбосма асарлар тадқиқи билан боғлиқ бўлиши режалаштирилган.

Қарорда турли фондларда сақланаётган юртимиз алломалари ва мутафаккирларининг ижодига мансуб бўлган қадимий ёзма манбаларнинг каталогларини тузиш, уларни илмий муомалага киритиш вазифаси таъкидланган.

Кафедра илмий жамоаси томонидан бу жабҳада кенг қамровли ишлар йўлга қўйилган. Кафедра ташаббуси билан ҳар йили республика миқёсида ўтказиладиган анъанавий "Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг долзарб муаммолари" илмий-амалий анжуманидаги чиқишлар, ойлик илмий-назарий семинар мавзулари айни масалага ҳам дахлдордир. Мазкур илмий муаммони фундаментал асосда ҳал қилиш учун бу йил кафедра докторантлигига қабул қилинган тадқиқотчилардан бирига филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси учун "Ўзбекистонда мавжуд қўлёзма ва тошбосма адабий манбалар тўла каталогини яратиш муаммолари" мавзуси топширилди.

Эндиликда бу соҳадаги илмий тадқиқотлар йўналишини фундаментал асосда кенгайтириш, ушбу йўналишда таълим олаётган бакалавр талабалар, тайёрланаётган магистр мутахассисларнинг билим ва салоҳиятини амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаш учун халқимизнинг бебаҳо мулки ҳисобланган ноёб ёзма ҳамда тошбосма меросни сақлаш ва тадқиқ қилиш тизимини янада такомиллаштиришга бош-қош бўладиган, бутун республика миқёсида тузилган қадимий ёзма манбалар давлат реестри асосида манбашунослик ва матншунослик фаолиятини бошқарадиган марказга эҳтиёж сезиляпти.

Кафедрамиз ягона бошқарув тизими остида соҳанинг илмий-инновацион салоҳиятини жонлантириш, илмий экспертизадан муваффақият билан ўтган фундаментал тадқиқот натижаларини амалиётда синаш, профессор-ўқитувчилар раҳбарлиги остида тайёрланадиган битирув-малакавий, магистрлик, докторлик ишлари мавзуларининг фонд илмий базаси билан боғлиқликда олиб борилишини таъминлаш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ўқув режалари ва дастурларига тегишли ўзгартишлар киритиш, амалиёт дастурларини мос ҳолда мунтазам янгилаб бориш йўлидан дадил одимлайверади.

Ана шундагина қарорда таъкидланган соҳа учун етук мутахассис кадрларни тайёрлаш вазифаси муваффақият билан амалга ошади, мамлакатимиз маънавий ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини ўтказадиган, ўзбек мумтоз адабиёти тарихидан тегишли тайёргарликка эга, адабий ҳодисаларни дунё адабий жараёни контекстида баҳолай оладиган манбашунос, матншунос мутахассислар авлоди шаклланади.

Рашид ЗОҲИДОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Адабий манбашунослик ва матншунослик кафедраси мудири, филология фанлари доктори.

ИСТЕЪДОД ЭГАСИ ВА ИСТИБДОД ҚУРБОНИ

Жадидчилик ҳаракатининг ёрқин вакилларидан бўлмиш Саъидризо Ализода 1887 йил 15 февралда Самарқанд шаҳрининг Боғишамол гузарида ипакчи-гиламчи савдогар Мирмуҳсин оиласида туғилган. Мактаб ёшига етгач, отаси Саъидризони гузарида муҳожирликда яшаган озарбайжонлик аллома Шайх Абулқосим асос солган янги усул мактабига олиб боради. Қисқа вақт ичида мактабни аъло баҳоларда тамомлаган Саъидризони Шайх Абулқосим мактабда муаллимлик қилиш учун олиб қолади.

Муаллимлик даврида у мактаб кутубхонасидаги Озарбайжон, Эрон ва Ҳиндистонда чоп этилган газета ва китобларни мунтазам ўқиб борган.

Ўзбекнинг улуғлари. Жадидлар

Мактабда бир муддат ишлагач, олий таълим олиш учун мадрасага ўқишга кирган ва олти йил таҳсил олган. Уни тамомлагач, Самарқанд шаҳридаги Демуров номидаги босмахонада ҳарф терувчи, сўнгра рус ва ўзбек тилида чиқадиган "Самарқанд" журналида мусаҳҳиҳ бўлиб ишлаган. Шу тариқа рус тилини яхши ўрганган, рус адабиёти билан ҳам яқиндан танишган.

Саъидризо Ализода 1914 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудий билан ҳамкорликда "Самарқанд" газетаси, кейинчалик "Ойина" журналини ташкил этади. Уларнинг саҳифаларида Самарқанддаги мактаб ҳамда мадрасалардаги эскича ўқитиш тизимини кескин танқид қилиб, таълим тизимини ислоҳ этиш бўйича мақолалар эълон қилиб боради. Жумладан, газета ва журнал саҳифаларида Афғонистонда чиқадиган "Сирожул ахбор" газетасида машҳур сиёсий арбоб, таниқли адиб Маҳмуд Тарзий томонидан ёзилган афғон янги усул мактабларидаги муаммоларга бағишланган мақолаларни кўрсатиш орқали Самарқанд жадид мактабларида дарсликларнинг етишмаслиги, имтиҳон олиш жараёнидаги чопон кийдириш каби камчиликларни танқид қилади. Уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар беради. "Самарқанд" газетаси ва "Ойина" журналининг "Телеграф хабарлар" саҳифасини ўз ҳисобидан чиқартиради. 1917 йилдан "Ҳуррият" газетасида таржимон ва мухбир бўлиб ишлайди.

1919 йили Туркистон ҳукумати ҳузурида республикадаги тожиклар, эронликлар ва афғонларни бирлаштирган форс бўлими ташкил этилгач, Саъидризо Ализода бу бўлимга бошлиқ қилиб тайинланган. Бўлим ҳафталик "Шарқ машъали" журналига асос солган ва 1919 йил 7 мартда Саъидризо Ализода ушбу журналга муҳаррир этиб тайинланган. 4 минг нусхада чиққан журнал Туркистон, Кавказортидан ташқари, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва қатор араб мамлакатларида тарқалган эди. Журнал саҳифаларида Саъидризо Ализоданинг ўлка аҳлининг эркин ҳаётга ташна орзу-умидлари ўз ифодасини топган мақола ва шеърлари эълон қилиб борилган.

У 1922 йилдан бошлаб "Зарафшон" газетасида бўлим мудири бўлиб ишлаган. Муҳаррирлик қилиш билан бир пайтда, "Туркистон хабарлари", "Камбағаллар ўқи", "Ҳуррият", "Меҳнаткашлар товуши", "Бухорои шариф", "Турон", "Самарқанд овози" газеталари, "Машраб", "Мулла Мушфиқий" журналларида мақолалар чиқариб турган. Танқидий мақолалари ва фельетонларини Баҳлул, Замбур, Ранжбар, Боғишамолий, Шапалоқ, С.А. каби тахаллуслари билан бериб борган.

Самарқандда тожик тилига ихтисослаштирилган мактаб очиб, камбағал оилаларнинг фарзандларига таълим берган Саъидризо Ализода ўқувчилар учун "Сарфи араб", "Туркий алифбо", "Тарих", "Жуғрофия", "Риёзиёт", "Ҳандаса", "Табиат", "Дин вожиблари", "Низомнома", "Бадан тарбияси", "Илми фазо" сингари ўн битта дарслик ёзгани маълум. Бу дарсликлар бошланғич синфлар учун тайёрланган бўлиб, ўқувчилар улар орқали савод чиқаришдан тортиб, аниқ ва табиий фанлар бўйича етарлича билим ҳамда кўникмаларга эга бўлган. Саъидризо Ализода ўзбек мактаблари учун "Биринчи йил" алифбосини ёзиб, Самарқанддаги янги усул мактабларига бепул тарқатганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мактабчилик ва дарсликлар ёзишдан ташқари шаҳарда яшовчи руслар учун кечки курслар ташкил этган ҳамда уларга ўзбек ва тожик тилларини ўргатган.

Саъидризо Ализоданинг озарбайжонлик мутафаккир Абдулла Шойиқ билан биргаликда яратган "Янги озарбайжон алифбоси" Озарбайжон мактаблари учун қимматли дарслик сифатида фойдаланилганига ҳам урғу бериш лозим.

Маърифатчи жадид луғат тузиш ишлари билан шуғулланган ҳамда 1933-1934 йилларда 61 минг сўздан иборат икки жилдлик русчатожикча луғатини нашр эттирган бўлиб, унда кўплаб касбий ва ижодий атамалар, уй-рўзғор буюмлари номлари, илмий ва адабий номлар ўрин олган.

Саъидризо Ализоданинг янгича қараш ва интилишлари, энг муҳими, бу борадаги аниқтиниқ ишлари юртдан ташқарида ҳам довруқ топгани яхши маълум. Унинг набираси Фарҳод Ализоданинг айтишича, мутафаккир Афғонистон ҳукмдори Омонуллахон фармони билан форс тилида тарих ва ислом динига оид "Асри саодат", "Муросилот-мактубот", "Одоби икром", "Тарихи ислом", "Тарихи Туркистон", "Қонуниятҳойи диний", "Маданияти ислом", "Зарурати ислом", "Фан дар борайи коинот" китобларини ёзган ва улар 1923 — 1933 йилларда Покистоннинг Лоҳур шаҳрида нашр этилган.

Саъидризо Ализода таржимонлик соҳасида ҳам самарали меҳнат қилган зиёлилардан саналади. У рус адиблари Александр Пушкиннинг "Дубровский", "Капитан қизи", "Евгений Онегин" асарларини, Фёдор Гладковнинг "Цемент", Николай Островскийнинг "Пўлат қандай тобланди", америкалик ёзувчи Синклер Эптуннинг "Юз фоиз", Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" асарларини тожик тилига таржима қилган. Афғонистоннинг машҳур сиёсий арбоби ва таниқли адиб Маҳмуд Тарзий билан биргаликда Жюль Верннинг "Ер юзи бўйлаб 80 кунлик саёҳат" асарини форс тилига ўгирган. Шунингдек, Абу Али ибн Сино, Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Фузулий, Алишер Навоий асарларини рус тилига таржима қилгани таҳсинга сазовордир. Саъидризо Ализода Эрон ва Афғонистондан Туркистонга келган зиёлилар билан самарали ҳамкорлик қилган. Хусусан, Эроннинг машҳур педагоги Маликушшуаро Баҳор билан янги усул мактаблари фаолиятини ташкил этиш бўйича ёзишмалар олиб боргани маълум.

1933 — 1937 йилларда Самарқанд давлат университетида араб ва форс тилларидан дарс берган, бутун умрини миллат ҳамда юрт рўшнолиги, янгича қараш ва билимларга эга авлод тарбияси учун бағишлаган ўзбекнинг улуғини мустамлакачилар кўздан қочиришлари мумкин эмасди. Улар Саъидризо Ализодани 1937 йили Самарқанд давлат университетида ёшларга дарс бериб турган хонанинг ўзидаёқ қўлга олганлар. Ўз одатларига кўра, уни жосусликда айблаб, қамоқ жазосига ҳукм қилишади. Олдинига Самарқанд, сўнгра Тошкентда, кейинроқ Тоболск ва Владимирда 8 йил қийноқлар остида тутқунлик азобини тортган Саъидризо Ализода 1945 йил 24 декабрда Владимир қамоқхонасида сил касалидан вафот этади. 1987 йили набираси Фарҳод Ализоданинг саъй-ҳаракати билан марҳумнинг хоки Владимирдан ўз юртига олиб келинган ҳамда Самарқанддаги "Панжоб" қабристонига дафн этилган.

Бутун умрини зиё тарқатиш, маърифатчилик ишига бағишлаган Саъидризо Ализодага мустақиллик йилларида барча жадид зиёлилари қатори муносиб ҳурмат кўрсатилди. У яшаган уй музейга айлантирилди ва ҳаёт йўлини очиб берувчи кўргазмалар ҳамда илмий мероси билан бойитилди. Самарқанд шаҳри кўчаларидан бирига ва шаҳардаги 14-мактабга Саъидризо Ализода номи берилди. Галдаги бурчимиз эса эл-юрт куюнчаги, жадидчи бобомизнинг мақола, рисола, дарсликлари — илмий меросини "Танланган асарлар" тарзида чоп этиш, унинг фидойиликка йўғрилган умри ва ишларини ёш авлодга намуна қилиб кўрсатишдир, албатта.

Дилноза ЖАМОЛОВА,
ЎзРФА Тарих институти докторанти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

ТУРИЗМ СОҲАСИ УЧУН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Сайёҳликни ривожлантириш жараёнида кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши табиий. Чунки туризм равнақида кўп нарса соҳа мутахассисларига боғлиқ. Зеро, малакали кадрга қайси тармоқда эҳтиёж йўқ дерсиз?

Мулоҳаза

Хусусан, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш йўналишини олиб кўрайлик. Атай сўраб-суриштирдик: Бухорода нари борса, ўн нафар реставратор бор экан, холос. Уларнинг ҳам ёши анчага бориб қолган. Ваҳоланки, вилоятдаги тарихий ёдгорликлар сони мингдан ошади. Шуларнинг 800 дан зиёдини босқичма-босқич таъмирлаш кўзда тутилган. Ўз ишининг устаси саналган реставраторларсиз бу юмушни уддалаш мушкул.

— Юртимизда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида қатор ишлар қилинмоқда, — дейди Бухоро туризм ва маданий мерос техникуми директори Азим Адизов. — "Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори шу каби долзарб саналган масалалар ечимида бизга қўл келяпти. Ушбу ҳужжат талабидан келиб чиқиб, сиртқи таълим йўналишида реставраторлар тайёрлашга киришдик. Бунда тажрибали реставраторларнинг малакаси, салоҳиятига таянамиз, албатта. Қолаверса, ўзбек тилида соҳага оид адабиётлар ниҳоятда камлигини эътиборга олиб, бу йўналишда ҳам изланишлар қиляпмиз.

Келгусида техникумда ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, керамика ва кошинпазлик йўналишларида устахоналар ташкил этиш режалаштирилган. Тарихий объектларни реставрация қилиш маркази ҳам очиляпти. Мажмуа шаклидаги марказда барча реставраторлар амалиёт билан шуғулланиб, бир пайтнинг ўзида ёшларга ҳунар ҳам ўргатади.

Сайёҳлик бизнесининг муҳим йўналишларидан бири гид хизматидир. Зеро, ҳар бир сайёҳ гидлар ёрдамига эҳтиёж сезади. Техникумда шу йўналишда ҳам кадрлар тайёрланяпти.

Гид-таржимон у ёки бу хорижий тилни билиши, шу тилда эмин-эркин сўзлаша олиши ва тарихдан чуқур хабардор бўлиши лозим. Сир эмас, умумтаълим мактабини битирган ўқувчиларнинг аксарияти чет тилини лозим даражада ўзлаштира олмаяпти. Техникум жамоаси шу кемтиклик ўрнини тўлдириш мақсадида хорижий тилларни ўргатиш бўйича қўшимча ўқув курслари ташкил этмоқда.

— Кузатишлар кўрсатяптики, маҳаллий гид-таржимон шу ҳудуднинг ўтмиши ва бугуни ҳақида кўпроқ билимга эга бўлади, — дейди А. Адизов. — Чунки сайёҳларга бой тарихимизни асл ҳолича аниқ манбалар асосида тушунтириб беришнинг аҳамияти катта. Биз, шунингдек, умумий овқатланиш, аниқроғи, миллий ва хорижий таомлар тайёрлаш йўналишида ҳам кадрлар тайёрлаяпмиз. Негаки, пазандалик ҳам туризм соҳасининг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади.

Айни вақтда вилоятда бу каби кадрларга эҳтиёж бор. Ҳозир Бухорода меҳмонхоналарнинг умумий сони 415 тани ташкил этмоқда. 2026 йилга қадар бу кўрсаткични 679 тага етказиш мўлжалланган. Табиийки, уларга хорижий тилларни чуқур биладиган, пазандаликни, меҳмоннавозликни ўрнига қўядиган ходимлар керак.

Техникум жамоаси шу йўналишларда халқаро алоқаларни йўлга қўйгани ҳам айни муддао бўлаётир. Чунончи, "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети ҳамда Франциянинг Руан университети ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, техникумнинг энг аълочи 15 нафар талабаси жорий йилда чет элда таҳсил олиш имконига эга бўлади. Келгусида эса Руан университети гранти асосида бир йил давомида ўқиб, туризм соҳасининг мутахассиси бўлиб етишадиган талабалар сони икки бараварга кўпаяди.

Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия олий ўқув юртлари билан ҳам айни йўналишда ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Индонезиянинг Панча сила университети билан меморандум имзоланди. Мураббийларнинг хорижда малака ошириши ҳам анъана тусини олмоқда.

— Туркиянинг Анталия шаҳридаги Мурат пашша ўқув лицейида малака оширдим, — дейди техникумнинг ишлаб чиқариш таълими устаси Маъруф Остонов. — Маъқул тушган жиҳати шундаки, у ерда амалиётга катта эътибор қаратилади. Ўқувчилар бир соат назарий билим олишса, лицейга қарашли меҳмонхонада тўрт соат мобайнида амалиёт ўтайди. Муҳими, амалиёт даврида уларга маош тўланади. Мабодо, ўқувчи хорижий тилни яхши билса, қўшимча ҳақ берилади. Меҳмонхона хўжалигини оқилона ташкил этиш борасидаги бу тажриба жамоамиз фаолиятида қўл келади, албатта.

Дарвоқе, айни дамда техникум ўқув биноси реконструкция қилинмоқда. Бунинг учун 13 миллиард сўм сарфланади. 750 ўринли билим даргоҳида туризм ҳамда маданий мерос объектларини таъмирлаш, асраб-авайлаш йўналишларида малакали кадрлар тайёрлаш учун замон талабига мос шарт-шароитлар яратилади.

Умуман, туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш ушбу тармоқ ривожига мутаносиб равишда такомиллашиб бораётгани самарасида хизмат кўрсатиш сифати ошиб, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, обрў-эътибори янада юксалмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.26 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6